

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТАШБУЛАТОВ ШЕРЗОД БАХТИЯРОВИЧ

**Ишлаб чиқариш шлакларидан мис ва бошқа рангли металлларни
ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси
(қуймачилик ва металлларга ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ташбулатов Шерзод Бахтиярович

Ишлаб чиқариш шлаklarидан мис ва бошқа рангли металлларни
ажратиб олиш технологиясини ишлаб
чиқиш.....3

Ташбулатов Шерзод Бахтиярович

Разработка технологии извлечения меди и других цветных металлов
из производственных шлаков.....21

Tashbulatov Sherzod Bakhtiyarovich

Development of technology for extracting copper and other non-ferrous
metals from industrial slags39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

.....42

ТАШБУЛАТОВ ШЕРЗОД БАХТИЯРОВИЧ

**Ишлаб чиқариш шлакларидан мис ва бошқа рангли металлларни
ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси
(қуймачилик ва металлларга ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2018.2.PhD/T726 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураходжаев Нодир Джахонгирович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич техника фанлари доктори, профессор Атажанов Гапур Латибович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» декабрь соат 15-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «1» декабрьдаги №119 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Ф.Р.Норхуджаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Ф.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш шароитида ҳосил бўладиган шлакларни қайта ишлаш, шлак таркибидаги рангли металлларни ажратиб олиш ва ишлаб чиқаришда ресурстежамкорликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқариш шлакларидан мис ва бошқа рангли металлларни ажратиб олиб, ишлаб чиқариш саноатига қўшимча ҳомашё яратиш ҳамда қолдиқ маҳсулотларни бошқа саноат объектларида қўллаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада қатор мамлакатлар, жумладан АҚШ, Германия, Швейцария, Япония, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида ишлаб чиқариш шлакларини комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ишлаб чиқариш шлакларини қайта ишлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан ишлаб чиқариш шлаклари таркибидан мис бирикмаларини ажратиб олишда самарали усулларни қўллаш, шлаклардан рангли металлларни ажратиб олишда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва шлакларга ишлов беришда энергиятежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқариш шлакларини қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда минерал ресурслардан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш шлакларини комплекс қайта ишлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, мавжуд ҳомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг чиқинди ва шлаклари таркибидаги металл қўшимчаларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларининг мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан ишлаб чиқариш шлакларидан мис ва бошқа рангли металллар ажратиб олиш технологиясини яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

АҚШнинг “Кеннекет коппер корпорейшн” (АҚШ) фирмаси тадқиқотчилари В.Дональдсон, С.Н.Шарма ва Н.Дж.Темелислар мисни шлакдан пиррометаллургия усулда ажратиб олишнинг икки босқичли циклик технологиясини ишлаб чиқишган. Германиянинг «Байер АГ» фирмаси тадқиқотчилари Р. Баатц, Г. Байльштайн, Д. Греннер, В. Келлер ва Д. Штайнбахлардихлорбутан изомер реакцияси натижасида ҳосил бўлган мис катализатори мавжуд бўлган оқова сувларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишган. Бунда дихлорбутанда эриган мис 0-250⁰ С да нополар эритувчи ёрдамида чўктирилади ва фильтр ёрдамида ажратиб олинади. «Лонза Лтд.» фирмаси тадқиқотчилари Р. Тил, К. Цинзштаг ва Г. Фашингер (Швейцария) мис ва бошқа рангли металлларни ажратиб олишда қўшимча энергия сарфламасдан қуйи ҳароратда секин-аста органик компонентларнинг карбониллаштириш усулини ишлаб чиқишган. Бунда металллар қурумда туз шаклида қолади. Япониянинг «СУМЗ» фирмаси тадқиқотчиларининг аниқлашларига кўра шихтани печ ичида конвертор шлакисиз суюқлантирилганида мисни ажратиб олиш даражаси ортади, ёқилғи ва флюс сарфи камаяди, шу билан бирга миснинг штейнга чиқиш миқдори ҳам ортади.

МДХ давлатлари тадқиқотчилари В.А.Ванюков, А.Н.Вольский, Ф.М.Лоскутов, Х.К.Аветисян, В.Я.Мостович, С.И.Митрофанов, А.М Аксой ва бошқалар миснинг шлак билан йўқотишларининг даражасини аниқлашган. Металлургияда шлак орқали миснинг йўқотишларига катта эътибор қаратилган. Рангли металлларни суюқлантириш бўйича тадқиқотларнинг кўп қисми мисга таълуқлидир. В.А.Ванюковнинг ҳисоблашича, мисларнинг шлакдаги йўқотишлари суюқлантиришнинг электрохимий йўналишга эга бўлган суюқ маҳсулотлар - шлак ва штейнларнинг ўзаро таъсирланиш характериға боғлиқ. Баъзи

тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра миснинг шлакдаги йўқотишлари механик ва электрохимёвий (химёвий ва физик) бўлади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш шлаклари таркибидаги мис ва бошқа ташкил этувчиларни ажратиш олишда ресурстежамкорлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбек олимлари Қ.С.Санакулов, А.А. Юсупходжаев ва С.Р. Худояров металлургия ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишган. Қ.С.Санакуловнинг маълумотларга кўра, ишлаб чиқариш шлаklarининг асосий минераллари фаялит ва магнетит ҳисобланади. Магнетит дендрит ва октаэдр кўринишида бўлади, уларнинг ўлчамлари 250-280 мкм гача бўлади.

Ишлаб чиқариш шлаklarидаги мис ва бошқа рангли металлларни ажратиш олишда кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлашнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун ишлаб чиқариш шлаklarига дастлабки ишлов бериш, уни бойитиш ва маҳсус усулда юқори ҳароратли ишлов бериш технологияси ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁОТ-Атех-2018-165 «Ишлаб чиқариш шлаklarидан мис ва бошқа рангли металлларни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2019 й.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлашда мис ва бошқа рангли металлларни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлашнинг мавжуд технологиялари ва хоссалари бўйича маълумотларни аналитик таҳлил қилиш;

ишлаб чиқариш шлаklarини сепарация усулида ишлов асосида бойитишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш шлаklarини тикловчи муҳитда маҳсус ҳароратда термик ишлов бериш жараёнини ишлаб чиқиш;

турли ҳароратларда суюқ шлак ҳосил қилиш асосида металлларни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Олмалик КМК» АЖнинг ишлаб чиқариш шлаklarи олинган.

Тадқиқотнинг предметини ишлаб чиқариш шлакларидан мис бирикмаларини ажратиб олиш ва уларга юқори ҳароратда ишлов бериш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қотишмаларнинг химиявий таркиби, қаттиқлигини, механик хоссаларини ва структурасини ўрганишда Empyrean Malvern Panalytical диффрактометр, Zeiss EVO MA 10 (Carl Zeiss) сканерлаш электрон микроскопи, “P-50 M” рақамли автотехника машинаси, “Dura Vision 20” рақамли қурилмадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шлак ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига унинг таркибидаги металл ташкил этувчиларини ажратиб олиш учун юқори ҳароратда ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган;

электр печида шлакларга самарали ишлов бериш учун шлакларни сепарацион тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

шлакнинг суюлтирилган массасидан металлларни ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган;

юқори ҳароратда ишлов бериш учун аралашманинг самарали таркиби аниқланган;

мис ва бошқа металлларни шлак ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ажратиб олишнинг математик модели тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш шлаклари таркибидаги металлларни ажратиб олиш асосида ресурс тежамкорлигини 10-12 % га оширишга имкон берадиган технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқариш шлаклари таркибидаги металлларни нисбий оғирликка асосланган ҳолда сепарациялаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория шароитида ўтказилган кўплаб тажрибиларнинг ишлаб чиқариш шароитида олинган натижаларга мослиги ва аниқ қўйилган вазифа асосида олинган маҳсулотларнинг физик ва технологик хоссаларини ўрганишда замонавий ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, рентгенография ҳамда дифференциал-термик таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш шлакларидан ажратиб олинган мисли қотишма ҳамда углерод асосида тайёрланган тикловчининг тиклаш жараёнида бирикмаларнинг ўзаро боғлиқлик механизминини аниқлаш ва металллашиш даражасини керакли босқичига олиб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқариш шлакларини қайта ишлаш технологиясининг технологик схемаси ва дастгоҳлар занжир схемасини ишлаб чиқиш ёрдамида саноат учун

кўшимча ҳомашё олиш ҳамда қолдиқ маҳсулотларни саноатнинг бошқа соҳаларига йўналтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқариш шлакларидан мис ва бошқа рангли металлларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шлак ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига юқори ҳароратди ишлов бериш технологияси «Олмалиқ КМК» АЖнинг мис эритиш заводига жорий қилинган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2020 йил 5 июндаги АС-007540-сон маълумотномаси). Натижада, металлларни ажратиб олиш самарадорлиги 12-14% га ортган;

электр печида ишлов бериш учун шлакларни сепарацион тайёрлаш технологияси «Олмалиқ КМК» АЖ нинг мис эритиш заводига жорий қилинган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2020 йил 5 июндаги АС-007540-сон маълумотномаси). Натижада, ишлов бериш самарадорлиги 8-10% га ортган;

шлакнинг суюлтирилган массасидан металлларни ажратиб олиш технологияси «Олмалиқ КМК» АЖ нинг мис эритиш заводига жорий қилинган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2020 йил 5 июндаги АС-007540-сон маълумотномаси). Натижада, қайта ишлаш ва металлларни ажратиб олишга сарфланадиган вақт 1,2-1,4% мартага камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, жумладан 9 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш шлакларидан металлларни ажратиб олишнинг замонавий ҳолати ва истиқболи» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш шлакларини қайта ишлашнинг мавжуд

технологиялари, шлак ҳосил бўлиш жараёнлари, шлакнинг физик-кимёвий ҳоссалар ҳамда шлакларни қайта ишлашнинг замонавий аҳволи таҳлил қилинган.

АҚШнинг “Аннаканда компани” фирмаси олимлари К.О.Линдبلاد ва Р.Е. Дюфреслар ишлаб чиқариш шлаклари таркибидаги мисни ажратиб олиш учун гидрометаллургик усул ишлаб чиқишган. Бунда ишлаб чиқариш шлаklarининг таркибига олтингугурт уислотаси ва сув 1:1 нисбатда кўшилади ва интенсив аралаштирилади. Натижада қаттиқ куруқ қотишма ҳосил қилиниб, унинг таркибидаги металл бирикмалари эритувчида эритиб олиниш хоссасига эга бўлади, силикат қаттиқ бирикма эса эримайдиган чўкма ҳосил қилади. “Кеннекет коппер корпорейшн” (АҚШ) фирмаси тадқиқотчилари В.Дональдсон, С.Н.Шарма ва Н.Дж.Темелислар мисни шлакдан пиррометаллургик усулда ажратиб олишнинг икки босқичли циклик технологиясини ишлаб чиқишган. «Лонза Лтд.» фирмаси тадқиқотчилари Р. Тил, К. Цинзштаг ва Г. Фашингер (Швейцария) мис ва бошқа рангли металлларни ажратиб олишда кўшимча энергия сарфламасдан қуйи ҳароратда секин-аста органик компонентларнинг карбониллаштириш усулини ишлаб чиқишган. Бунда металллар курумда туз шаклида қолади. Германиянинг «Байер АГ» фирмаси тадқиқотчилари Р. Баатц, Г. Байльштайн, Д. Греннер, В. Келлер ва Д. Штайнбахлардихлорбутан изомер реакцияси натижасида ҳосил бўлган мис катализатори мавжуд бўлган оқова сувларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишган. Бунда дихлорбутанда эриган мис 0-250 0 С да нополяр эритувчи ёрдамида чўктирилади ва фильтр ёрдамида ажратиб олинади. Япониянинг «СУМЗ» фирмаси тадқиқотчиларининг аниқлашларига кўра шихтани печ ичида конвертор шлакисиз суюқлантирилганида мисни ажратиб олиш даражаси ортади, ёқилғи ва флюс сарфи камаяди, шу билан бирга миснинг штейнга чиқиш миқдори ҳам ортади. Демак, металлургик жараёндан конвертор шлакини чиқариб ташлаш ва унга махсус усулда ишлов бериш металлургиянинг кўрсаткичларини оширади.

МДХ давлатлари тадқиқотчилари В.А.Ванюков, А.Н.Вольский, Ф.М.Лоскутов, Х.К.Аветисян, В.Я.Мостович, С.И.Митрофанов, А.М.Аксои ва бошқалар миснинг шлак билан йўқотишларининг даражасини аниқлашган. Металлургияда шлак орқали миснинг йўқотишларига катта эътибор қаратилган. Рангли металлларни суюқлантириш бўйича тадқиқотларнинг кўп қисми мисга таълуқлидир. В.А.Ванюковнинг ҳисоблашича, мисларнинг шлакдаги йўқотишлари суюқлантиришнинг электрокимёвий йўналишга эга бўлган суюқ маҳсулотлар - шлак ва штейнларнинг ўзаро таъсирланиш характериға боғлиқ. Баъзи тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра миснинг шлакдаги йўқотишлари механик ва электрокимёвий (кимёвий ва физик) бўлади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш шлаклари таркибидаги мис ва бошқа ташкил этувчиларни ажратиб олишда ресурстежамкорлигини таъминлаш

бўйича Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбек олимлари Қ.С.Санакулов, А.А. Юсупходжаев ва С.Р. Худояров металлургия ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишган. Қ.С.Санакуловнинг маълумотларга кўра, ишлаб чиқариш шлаklarининг асосий минераллари фаялит ва магнетит ҳисобланади. Магнетит дендрит ва октаэдр кўринишида бўлади, уларнинг ўлчамлари 250-280 мкм гача бўлади.

Диссертациянинг «**Объектларни танлаш ва ишлаб чиқариш шлаklarини тадқиқ қилиш методикасини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектини танлаш, қўлланиладиган маҳсулотларнинг асосий физикавий ва кимёвий хоссаларини ёритиб бериш ҳамда физик-механик, кимёвий ва физикавий хоссаларинини ўрганишда замонавий усул ва дастгоҳлардан (ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, гранулометрик таҳлил) фойдаланилганлик ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқариш шлаklarидан мис ва бошқа рангли металларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш тадқиқоти**» деб номланган учинчи боби ишлаб чиқариш шлаklarини юқори ҳароратда бойитиш жараёнига тайёрлаш усули, мис ва бошқа рангли металларни сепарация усулида ажратиб олиш жараёни тадқиқоти, шлаklarнинг физик-механик хоссаларидан фойдаланиб улардан бирикмаларни ажратиб олишнинг асосий технологик параметрларини аниқлаш, суяқ шлак муҳитида термик ишлов бериш ва нисбий оғирлик ассида металларни сепарация қилиш тадқиқотларига бағишланган.

Ушбу бобда металларни ажратиб олишнинг назарий асослари ёритилиб, назария асосида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Миснинг тузилиши ва кимёвий активлигини кўриб чиқамиз. Мис марказлашган куб кўринишида кристалланади (расм 3.1).





Рисунок 3.1. Миснинг кристалл панжараси.


Мис кислородга нисбатан нисбий активлигини намоён қилади, лекин намлик ҳолатда аста окисланади ва яшилсимо рангдаги мис карбонат билан қопланади:



Қуруқ ҳолатда оксидланиш жуда сеин давом этади, мис устида юпқа мис оксиди қобиғи ҳосил бўлади:



3.2 расмда шлак таркибидан учувчи материал олинган миснинг кўриниши.



3.2 расм. Шлак таркибидан учувчи материал олинган миснинг кўриниши.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида шлак таркибидаги метал ва нометал қўшимчаларни ажратиб олиш учун бирламчи эритиш жараёни амалга оширилди. Метал таркибини ажратиб олиш учун шлакни флюс ёрдамида эритиб олинди, бунинг учун газ печида ҳарорат 1000-1200 С ни ва электр-ёй печида ҳарорат 1600-1800 С да тадқиқот ўтказилди. Газ печида 1000-1200 С ҳароратни бериш имкониятига эга бўлгани учун, бу босқични айнан газ печида амалга оширилди ва 60-120 мин вақт давомида ушлаб турилди. 3.1 жадвалда тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.1

Т/р	Шлакдаг и миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1000	60	28,4

2	0,68	1000	60	29,2
3	0,64	1100	60	29,5
4	0,68	1100	60	29,6
5	0,64	1200	60	31,0
6	0,68	1200	60	32,1

3.2 жадвалда газ печи ичида суюқлантирилган шлакни 80 минут ушлаб туриш вақтига нисбатан метални ажратиб олиш самарадорлиги натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.2

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлақдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1000	80	29,6
2	0,68	1000	80	30,2
3	0,64	1100	80	30,6
4	0,68	1100	80	30,8
5	0,64	1200	80	32,3
6	0,68	1200	80	32,8

3.3 жадвалда газ печи ичида суюқлантирилган шлакни 100 минут ушлаб туриш вақтига нисбатан метални ажратиб олиш самарадорлиги натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.3

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1000	100	32,6
2	0,68	1000	100	33,6
3	0,64	1100	100	35,8
4	0,68	1100	100	36,4
5	0,64	1200	100	38,5
6	0,68	1200	100	40,6

3.5 жадвалда газ печи ичида суюқлантирилган шлакни 120 минут ушлаб туриш вақтига нисбатан метални ажратиб олиш самарадорлиги натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.5

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1000	120	30,3
2	0,68	1000	120	31,4
3	0,64	1100	120	32,6
4	0,68	1100	120	33,4

5	0,64	1200	120	34,6
6	0,68	1200	120	38,2

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, печ ичида шлакни 1200 С га қиздирилганида самара юқори бўлиб, 0,68 концентрациядаги шлакнинг таркибидан 38,2 % гача мисни ажратиб олишга эришилди. Шу билан бир қаторда печ ичида қиздирилган шлакни ушлаб туриш вақти 100 минутгача бўлганида самара юқори бўлиб, 120 минут давомида ушлаб туришда самара пасая бошлайди. Бунга сабаб печ ичида шлакнинг кўп вақт туриши оқибатида метал ташкил этувчиларда кечадиган кимёвий жараёнлар бўлиши мумкин. Шунинг учун 1200 С гача қиздирилган шлакни 100 минутгача печ ичида ушлаб туриб метал ташкил этувчиларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида шлак таркибидаги метал ва нометал қўшимчаларни ажратиб олиш учун бирламчи эритиш жараёни амалга оширилди. Бунда электр-ёй печида ҳарорат 1600-1800 С да тадқиқот ўтказилди ва 60-120 мин вақт давомида ушлаб турилди. 3.6 жадвалда тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.6

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1600	60	42,4
2	0,68	1600	60	44,4
3	0,64	1700	60	56,6
4	0,68	1700	60	57,2
5	0,64	1800	60	64,3
6	0,68	1800	60	66,2

Электр-ёй печида ҳарорат 1600-1800 С да тадқиқот ўтказилди ва 80 мин вақт давомида ушлаб турилди. 3.8 жадвалда тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.8

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1600	80	51,6
2	0,68	1600	80	54,8
3	0,64	1700	80	60,6
4	0,68	1700	80	61,4
5	0,64	1800	80	70,8
6	0,68	1800	80	72,5

Электр-ёй печида ҳарорат 1600-1800 С да тадқиқот ўтказилди ва 120 мин вақт давомида ушлаб турилди. 3.9 аджвалда тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.9

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самараси, %
1	0,64	1600	120	57,6
2	0,68	1600	120	61,4

3	0,64	1700	120	66,7
4	0,68	1700	120	67,2
5	0,64	1800	120	74,4
6	0,68	1800	120	78,0

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, печ ичида шлакни 1800 С га қиздирилганида самара юқори бўлиб, 0,68 концентрациядаги шлакнинг таркибидан 80,5 % гача мисни ажратиб олишга эришилди. Шу билан бир қаторда печ ичида қиздирилган шлакни ушлаб туриш вақти 100 минутгача бўлганида самара юқори бўлиб, 120 минут давомида ушлаб туришда самара пасая бошлайди. Ҳарорат 1600 С гача қиздирилганида эса 120 минут давомида печ ичида ушлаб туриш самараси 100 минут давомида ушлаб туриш самарасидан юқорироқ бўлиши кузатилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида шлак таркибидаги метал ва нометал кўшимчаларни ажратиб олишдан кейин қоладиган иккиламчи шлакнинг хоссаларини аниқлаш ва уни ишлаб чиқаришда қўллаш имконини берувчи технология ишлаб чиқаришга қаратилган. Бунда шлак фракцияларидан келиб чиқган ҳолда иккиламчишлакни цемент таркибига тўлдирувчи сифатида ёки йўл қурилиш соҳасида асфальт-бетон қопламасининг тўлдирувчиси сифатида қўллаш масаласи кўрилган. Жадвалда тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.10

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1000	60	34-36
2	0,68	1000	60	34-36
3	0,64	1100	60	30-32

4	0,68	1100	60	30-32
5	0,64	1200	60	27-29
6	0,68	1200	60	27-29

3.11 жадвалда 1000-1200 С ҳароратда 80 минут давомида ушлаб турилган шлакни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган фракция (ўлчамларининг) катталигини аниқлаш тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.11

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1000	80	36-38
2	0,68	1000	80	36-38
3	0,64	1100	80	33-35
4	0,68	1100	80	34-36
5	0,64	1200	80	28-30
6	0,68	1200	80	28-30

3.12 жадвалда 1000-1200 С ҳароратда 100 минут давомида ушлаб турилган шлакни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган фракция (ўлчамларининг) катталигини аниқлаш тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.12

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
-----	-------------------------------------	-----------------------------------	---	-----------------------------------

1	0,64	1000	100	38-40
2	0,68	1000	100	36-39
3	0,64	1100	100	35-38
4	0,68	1100	100	36-38
5	0,64	1200	100	30-32
6	0,68	1200	100	30-32

3.13 жадвалда 1000-1200 С ҳароратда 120 минут давомида ушлаб турилган шлакни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган фракция (ўлчамларининг) катталигини аниқлаш тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.13

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1000	120	40-44
2	0,68	1000	120	40-42
3	0,64	1100	120	38-40
4	0,68	1100	120	38-40
5	0,64	1200	120	36-38
6	0,68	1200	120	36-38

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, печ ичида шлакни 1200 С га қиздирилганида самара юқори бўлиб, фракциянинг ўлчами 27-29 мкм гача бўлди. Шу билан бир қаторда печ ичида

қиздирилган шлакни ушлаб туриш вақти ошган сари фракция хам ортиб бориши кузатилди. Бунга сабаб печ ичида шлакнинг кўп вақт туриши оқибатида зарраларнинг бир-бири билан жипслашиши бўлиши мумкин. Шунинг учун 1200 С гача қиздирилган шлакни 60 минутгача печ ичида ушлаб туриб иккиламчи шлакни печ ичидан олиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида шлак таркибидаги метал ва нометал қўшимчаларни ажратиб олинган иккиламчи шлакнинг фракцияларига юқори ҳароратнинг таъсири ўрганилди. Бунда электр-ёй печида ҳарорат 1600-1800 С да тадқиқот ўтказилди ва 60-120 мин вақт давомида ушлаб турилди. 3.14 жадвалда тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.14

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1600	60	12-14
2	0,68	1600	60	12-14
3	0,64	1700	60	12-14
4	0,68	1700	60	10-12
5	0,64	1800	60	8-10
6	0,68	1800	60	8-10

3.15 жадвалда 1600-1800 С ҳароратда 80 минут давомида ушлаб турилган шлакни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган фракция (ўлчамларининг) катталигини аниқлаш тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.15

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1600	80	12-14
2	0,68	1600	80	12-14
3	0,64	1700	80	10-14
4	0,68	1700	80	10-12
5	0,64	1800	80	9-10
6	0,68	1800	80	9-10

3.16 жадвалда 1600-1800 С ҳароратда 100 минут давомида ушлаб турилган шлакни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган фракция (ўлчамларининг) катталигини аниқлаш тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.16

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1600	100	15-17
2	0,68	1600	100	15-17
3	0,64	1700	100	13-14
4	0,68	1700	100	13-14


5	0,64	1800	100	12-13
6	0,68	1800	100	12-13

3.17 жадвалда 1600-1800 С ҳароратда 120 минут давомида ушлаб турилган шлакни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган фракция (ўлчамларининг) катталигини аниқлаш тадқиқот натижаларининг қийматлари келтирилган.

Жадвал 3.17

Т/р	Шлакдаги миснинг миқдори, гр/100 гр	Печда шлакни қиздириш ҳарорати, С	Печда суюқлантирилган шлакни ушлаб туриш вақти, минут	Иккиламчи шлакнинг фракцияси, мкм
1	0,64	1600	120	20-22
2	0,68	1600	120	20-22
3	0,64	1700	120	16-18
4	0,68	1700	120	16-18
5	0,64	1800	120	14-15
6	0,68	1800	120	14-15

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, печ ичида шлакни 1800 С га қиздирилганида самара юқори бўлиб, фракциянинг ўлчами жуда майин бўлиб, 8-10 мкм гача бўлди. Шу билан бир қаторда печ ичида қиздирилган шлакни ушлаб туриш вақти ошган сари фракция ҳам ортиб бориши кузатилди. Бунда печ ичида шлакнинг ушлаб туриш вақти 60 ва 80 минут бўлганида фракциялар ўлчами деярли ўзгармади. Лекин 100 минутдан ортганда заррачаларнинг жипслашиш жараёни кузатилди.



Расм 3.5. Шлакларга ишлов бергандаги кимёвий реакциянинг ҳароратга боғлиқлик графиги.

Диссертациянинг «Технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва унинг математик моделини тузиш» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқариш шлаklarини қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологияси натижалари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги ва апробациядан ўтганлиги ҳақида ёритилган.

“Олмалиқ КМК” АЖ нинг мис эритиш заводи ишлаб чиқариш шароитига ишлаб чиқариш шлаklarидан мис, алюминий, руҳ ва қалайни ажратиб олиш технологияси жорий қилинди. Агар учувчи материалларни ажратиб олишда қийинчилик юзага келмаган бўлса, мис ва алюминийни ажратиб олишда муаммолар бўлди. Фақат учувчи материалларни биринчи босқичда ажратиб олинганидан кейингина, иккинчи босқичда мис ва алюминийни ажратиб олишда қийинчилик деярли бўлмади. Жараённинг математик моделини тузишда Лагранжнинг интерполяцион кўпҳадини тузиб чиқамиз. Яъни масала алгебраик тенгламалар системасига келтирилиб, номаълум коэффициентларни аниқлаш билан самарадорлик функциясини кўпҳад шаклида ифодалаш билан кечади.

$$\begin{bmatrix} 1 & x_0 & x_0^2 & \dots & x_0^n \\ 1 & x_1 & x_1^2 & \dots & x_1^n \\ \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ 1 & x_n & x_n^2 & \dots & x_n^n \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_0 \\ a_1 \\ \vdots \\ a_n \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} y_0 \\ y_1 \\ \vdots \\ y_n \end{bmatrix} \quad (1)$$

тенгламада $n=3$ бўлиб, вектор тенглама

$$\begin{bmatrix} 1 & T_1 & T_1^2 \\ 1 & T_2 & T_2^2 \\ 1 & T_3 & T_3^2 \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_1 \\ a_2 \\ a_3 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \lambda_1 \\ \lambda_2 \\ \lambda_3 \end{bmatrix} \quad (2)$$

бўлиб, бунда $n = 3, T_1 = 1000, T_2 = 1100, T_3 = 1200;$ эканидан (1) алгебраик
 $\lambda_1 = 32,6, \lambda_2 = 35,8, \lambda_3 = 38,5.$

тенгламалар системаси куйидагича бўлади:

$$\begin{cases} a_1 + 1000a_2 + 1000^2 a_3 = 32,6 \\ a_1 + 1100a_2 + 1100^2 a_3 = 35,8. \\ a_1 + 1200a_2 + 1200^2 a_3 = 38,5 \end{cases} \quad (3)$$

Бу системани ечсак, $a_1 = -26,9, a_2 = 0,0845, a_3 = -0,000025$ бўлиб, температуранинг ортиши билан шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самарасини характерлайдиган функция куйидаги кўринишда бўлади:

$$\lambda(T) = -26,9 + 0,0845T - 0,000025T^2. \quad (4)$$

(4) функция 100 гр шлакдаги миснинг миқдори 0,64 гр бўлганда температуранинг ортиши билан мисни шлакдан ажратиб олиш самарадорлигини тўлиқ аниқлаб беради. Худди шунингдек, шлакдаги миснинг миқдори 0,68 гр бўлганда, алгебраик тенгламалар системаси

$$\begin{cases} a_1 + 1000a_2 + 1000^2 a_3 = 33,6 \\ a_1 + 1100a_2 + 1100^2 a_3 = 36,4 \\ a_1 + 1200a_2 + 1200^2 a_3 = 40,6 \end{cases} \quad (5)$$

бўлиб, ушбу системани ечсак, $a_1 = 82,6, a_2 = -0,119, a_3 = 0,00007$ бўлиб, температура ортиши билан шлакдан миснинг ажратиб олинганлик самарасини характерлайдиган функция куйидаги кўринишда бўлади:

$$\lambda(T) = 82,6 - 0,119T + 0,00007T^2. \quad (6)$$

ХУЛОСА

«Ишлаб чиқариш шлакларидан мис ва бошқа рангли металлларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шлак ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига иссиқлик алмашинув назарияси асосида юқори ҳароратда ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган. Бу ишлаб чиқариш шлаклари таркибидаги металл кўшимчаларни ажратиб олиш учун хизмат қилади.

2. Электр печида ишлов бериш учун шлакларни сепарацион тайёрлаш технологияси шлакни ташкил этувчиларнинг кимёвий

хоссалари асосида ишлаб чиқилган. Бу шлакларга ишлов беришда самарадорликни ошириш учун хизмат қилади.

3. Шлакнинг суьултирилган массасидан металларни ажратиб олиш технологияси металлнинг суьуқлик муҳитидаги ҳаракатланиш қонунияти асосида ишлаб чиқилган. Бу шлаклардан металл ташкил этувчиларни ажратиб олиш учун сарфланадиган вақтни камайтириш имконини беради.

4. Юқори ҳароратда ишлов бериш учун аралашманинг самарали таркиби ташкил этувчиларнинг кимёвий хоссалари асосида аниқланган. Бу шлак таркибидаги мис ва бошқа рангли металларни ажратиб олиш учун кетадиган харажатлар миқдорини камайтириш имконини беради.

5. Шлакларга юқори ҳароратда ишлов беришнинг математик модели ташкил этувчиларнинг теплофизик хоссаларини ҳароратга боғлиқ ҳолда ўзгаришининг динамикаси асосида тузилган. Бу шлакларга ишлов бериш жараёнининг боришини ва олинадиган натижани башоратлаш имконини беради.

6. Мис ва бошқа металларни шлак ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ажратиб олишнинг математик модели ташкил этувчиларнинг теплофизик хоссаларини ҳароратга боғлиқ ҳолда ўзгаришининг динамикаси ҳамда шлакдаги металл қўшимчаларнинг кимёвий хоссалари асосида тузилган. Бу шлаклардан мис ва бошқа рангли металларни ажратиб олиш жараёнини автоматлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7. Ишлаб чиқариш шлакларини қайта ишлаш асосида ресурс тежамкор технология ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ишлаб чиқариш корхоналарида йиғилиб қолган шлакларни камайтириш ҳисобига қўшимча фойдали ер майдонларини кенгайтириш, янги иш жойи яратиш ҳамда атроф муҳит экологиясини яхшилаш учун хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТАШБУЛАТОВ ШЕРЗОД БАХТИЯРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ МЕДИ И ДРУГИХ
ЦВЕТНЫХ МЕТАЛЛОВ ИЗ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ШЛАКОВ**

**05.02.01 –Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Metallургия чёрных,
цветных и редких металлов (по направлению литейного производства и
технологии обработки металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.2.PhD/T726

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Тураходжаев Нодир Джахонгирович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич доктор технических наук, профессор Атажанов Гапур Латибович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «12» декабря 2020 г. в 15-00 часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс:(99871) 227-10-32, e-mail: (tadqiqotchi@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за №119) (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32).

Автореферат диссертации разослан «1» декабря 2020 года.
(реестр протокол рассылки № 119 от «1» декабря 2020 года).

К.А.Каримов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ф.Р.Норхуджаев
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ф.С.Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире переработке производственных шлаков, извлечению цветных металлов из шлаков и обеспечению ресурсосбережения в производстве уделяется особое внимание. Наряду с этим, извлечение цветных металлов и меди, беспечив тем самым дополнительным сырьём производственных отраслей, является одной из важнейших задач. В этой связи, в научных центрах странах, в частности США, Германия, Швейцария, Япония, Россия, Украина и других и других странах уделяется особое внимание комплексной переработке производственных шлаков.

В мире широко проводятся научно-исследовательские работы по разработке эффективных технологий переработке производственных шлаков. В этом направлении, в частности в применении эффективных методов извлечения медных соединений из шлаков производства, разработке ресурсосберегающих технологий при извлечении цветных металлов и разработка энергосберегающих технологий при обработке шлаков является важной задачей. Вместе с тем, является важным разработка безотходного производства в переработке шлаков.

В республике осуществляются мероприятия по комплексному использованию минеральных ресурсов, комплексной переработке производственных шлаков. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включающие «...укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». Выполнение данных задач, в частности внедрение в практику рационального использования существующих сырьевых ресурсов, малоотходных технологий в производстве стали, а также разработка безотходной технологии переработки сталеплавильных шлаков является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях № ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», № ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», № ПП-3682 от 27 апреля 2018

¹ №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

